

ISSN 2181-1601

SCIENTIFIC PROGRESS

Scientific Journal

VOLUME # 1 ISSUE # 6

2021/IV

ACCEPTANCE AREAS OF THE JOURNAL

- mathematics, physics, informatics;
- chemistry, ecology, geography;
- advances in biology and medicine;
- history, law, aesthetics;
- philology and language teaching;
- physical education and sports;
- music, art and culture;
- philosophy, logic and sociology;
- architecture and economics;
- pedagogy, psychology, defectology

www.scientificprogress.uz



SCIENTIFIC PROGRESS

Scientific Journal

VOLUME #1, ISSUE #6, APRIL 2021

ISSN: 2181-1601



UZBEKISTAN

Н.А.КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ

Б. Б. Умаров

БухДУ Бухоро кафедраси ўқитувчиси

Umarovbaxtishod95@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ўрта Осиё этнографиясини тадқиқ этаган кўплаб олимларни биламиз. Н.А.Кисляков ҳам Ўрта Осиё, хусусан, Тожикистон этнографияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган олимлардан биридир. Ушбу мақолада Н.А.Кисляков томонидан олиб борилган дала тадқиқотлари ва қимматли ёзма материаллар асосида Жанубий Тожикистон этник тарихи ва этногенези билан боғлиқ маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Н.А.Кисляков, патриархал оила, кичик оила, тоғли тожиклар, Қоратегин, Дарвоз.

N.A.KISLYAKOV'S RESEARCH ETHNIC HISTORY OF SOUTHERN TAJIKISTAN

B. B. Umarov

Teacher of Bukhara department of Bukhara State University

Umarovbaxtishod95@gmail.com

ABSTRACT

We know many scholars who have studied the ethnography of Central Asia. NA Kislyakov is also one of the scientists who made an invaluable contribution to the development of ethnography in Central Asia, in particular, Tajikistan. This article provides information on the ethnic history and ethnogenesis of Southern Tajikistan on the basis of field research and valuable written materials conducted by NA Kislyakov.

Keywords: Kislyakov NA, patriarchal family, small family, mountain tajiks, Qorategin, Darvoz.

КИРИШ

Н.А.Кисляков иқтидорли муҳаррирлардан бири бўлиб, “Қоратегин ва Дарваз тожиклари” номли уч жилдли асарнинг нашр этилишида муҳаррирлик қилган. У этнографик жиҳатдан қимматли маълумотларни ўзида жамлаган “Қоратегин тарихидан очерклар” номли биринчи монографиясини ҳам ўзи

тайёрлаган. Урушдан кейинги йилларда Н.А.Кисляков чорак асрдан кўпроқ вақтини дала тадқиқотлари ва Шарқий Бухоро ҳудудларидаги этник муносабатларни тадқиқ этишга бағишлади. Шу билан бирга Тожикистон ССР Фанлар академиясининг Археология ва этнография тарихи институтида ишлада ва бир қанча экспедицияларда иштирок этди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Хоразм археологик-этнографик экспедицияси билан бир даврда 1957 йилда Н.А.Кисляков раҳбарлигида Ўрта Осиё этнографик экспедицияси ўз фаолиятини олиб боради. Ушбу экспедиция фаолияти маҳсули сифатида 1969 йил Н.А.Кисляковнинг фундаментал асари чоп этилади[1]. Олим ушбу асарда “патриархал оила” (“катта оила”) милoddан минг йиллар илгари шаклланган, унинг гуллаб яшнаган даври эрамининг дастлабки асрларига тўғри келади, сўнгра уни оиланинг янги шакли –кичик оила сиқиб чиқара бошлаган. Бундай ўрин алмашув шаҳарларда ва умумий ривожланган райёнларда эрамининг дастлабки минг йилликлари ўртада, кўчманчи ҳудудларда эса X-XII асрларда содир бўлган. Бироқ иқтисодий жиҳатдан қийин жойларда патриархал оиланинг парчаланиш жараёни XIX аср охири –XX аср бошларига қадар чўзилиб келган.

Йирик олим С.П.Толстов милoddнинг бошларида Хоразмда катта патриархал оилалар жамоаси пайдо бўлганлигини қайд этган бўлса-да[2], Н.А.Кисляков, эҳтимол, бундай оилалар олдинроқ ҳам пайдо бўлгандир, бироқ ушбу масала бўйича бизнинг қўлимизда ҳеч қандай далил мавжуд эмас деган фикрни илгари суради[3].

“Ўрта Осиё этнографик атласи” ни тайёрлаш учун қўшимча материаллар, шунингдек, “Жаҳон халқлари” тўплами учун Марказий Осиё ва Қозоғистон халқлари ҳақида қимматли маълумотлар тўплаган.

Жанубий Тожикистон этник тарихи ва этногенези Н.А.Кисляков тадқиқотларида алоҳида ўрин эгаллайди. Унга бир қанча олимлар ушбу ҳудуд ҳақида ўз асарлари ва мақолаларида маълумотлар келтирган бўлсаларда, алоҳида тадқиқотлар билан исботланмаган эди. Масалан, В.Ф.Ошанин, тожиклар қирғизларни Сурхоб водийсига ҳайдаб чиқарганлигини ҳақида маълумотлар келтиради, бу эса Н.А.Кисляковнинг кўплаб тоғли тожиклар орасида юриб, XX аср бошларида сипоҳилик қилган ёхуд жангарилик қилиб юрган “баходирлар” билан суҳбатлашиш натижасида тўплаган дала тадқиқот материалларида ўз тасдиғини топди[4].

Н.А.Кисляков Қоратегин ва Дарвоз тарихини ўрганишни XX аср 30-йилларида Сангвор, Вахиё-Боло, Хазрати-Бурх, Дарбоғ, Лоджрик, Ҳалқарф, Ҳайт, Ҳисорак ва бошқа қишлоқлардаги ёши катта қариялар сўзларини эшитишдан

бошлаган. Н.А.Кисляков Қоратегин беклиги тарихи ва этнографиясига оид қимматли материалларни Зайниддин Омон сўзларидан, шунингдек, Давлатбек Раҳим (68 ёш, Бедак қишлоғи), Давлатманд Раҳим (71 ёш, Бедак қишлоғи), Саид Хўжа Амин, Малик Одина (71 ёш, Шинглич қишлоғи), Нодир Толиб (67 ёш, Ҳайт қишлоғи) ва 17-20 дан ортиқ ёши 90 лардан қариялардан тўплаган. Сўнги Қоратегин беклари ҳақида маълумотларни Шокир бой Қосим (92 ёш, Гарм шаҳри), Сайфиддин Бадал (95 ёш, Ҳайт қишлоғи), Азим Хол (83 ёш, Ҳалқарф қишлоғи) Юнус Ражаб (81 ёш, Пасты-Яхак қишлоғи) ва бошқалар сўзлари билан қайд этади[5].

Ўша пайтда Қоратегин тарихи ва этнографиясига бағишланган ёзма манбаларга келсак, XX асрнинг 30-йиллари жуда чекланган бўлиб ва улар географик ёки статистик ва иқтисодий тавсифга эга эди, холос. Улардан Николай Андреевич К.А.Абрамовнинг “Қоратегинда ер эгалиги муносабатлари”, Г.А.Арандаренконинг “Қоратегин”[6] каби мақолаларидан ўз тадқиқотида фойдаланган. Бундан ташқари, А.Е.Снесаревнинг “Шарқий Бухоро”[7] китобининг муҳим қисми (XX аср бошлари), шунингдек, А.П.Федченконинг “Қўқон хонлигида” (1871), В.Ф.Ошаниннинг “Дарвоз ва Қоратегин”[8] ва Василевнинг “Қоратегиннинг қисқача статистик тавсифи”[9] асари, Қоратегин ҳақидаги материалларнинг қисқача мазмуни келтирилган (тўлиқ эмас) академик В.В.Бартолднинг “Ислом энциклопедияси” мақоласига мурожаат қилган.

Н.А.Кисляков Қоратегин ва Дарвоз ҳақида дастлабки маълумотларни 1820 йилда Бухорога ташриф буюрган Россия элчихонаси аъзоси Мейендорф кундаликларида топади[10]. Мейендорф Қоратегин ва Дарвозни тоғли ҳудуд сифатида кўрсатиб, уларнинг аҳолиси мусулмонлар эмас, балки кофирлар эканлигини айтади. Унинг сўзларига кўра, Қоратегин кофирлари унчалик шафқатсиз эмаслар, ҳақиқий кофирлар Қалайи-Хумбда яшайдилар[11].

А.А.Бобринский тўпланган материаллари асосида Н.А.Кисляков ўз асарларида ушбу минтақанинг ибтидоий маҳаллий аҳолиси ҳақидаги афсоналарни икки гуруҳга ишора қилади. А.А.Бобринский сиёхпуш деб номланган одамлар ҳақидаги афсоналарга таянади, улар маҳаллий афсоналарга кўра, ҳеч қачон Шўғнон ва Рушонга бўйсунмаган. Сурхоб водийсида, Олой водийсининг пастки қисмида қийинчиликлар билан ҳаёт кечирганликлари ҳақидаги афсоналар сақланиб қолган. Қоратегин аҳолиси афсоналарига кўра, қийинчиликлар пайтида тоғларда анча зичроқ жойлашишган, эски суғориш иншоотлари излари, илгари ишлов берилган ерларнинг излари - буларнинг ҳаммаси катта машаққатлар билан эришилганлигидан дарак беради. А.А.Бобринский тўплаган материаллардан кўриниб турибдики, Қоратегин қирғизлари, ўзаро сув масаласида жанжаллашганда, одатда: “Ариқ сеники эмас, уни сен қурган эмассан, балки

қийинчиликлар натижасида вужудга келган”[12] –деган гаплар кўп бора ишлатишган. А.А.Бобринскийнинг сўзларига кўра, бу иккинчи гуруҳ сихпушилар деб аталиб, оловга сиғинувчилар бўлган[13].

Афсона ва ривоятларни синчиклаб ўрганиб кўрадиган бўлсак, кўплаб қизиқарли воқеалар ҳақида маълумотларга эга бўламиз. Хусусан, 7-8 асрдан кўпроқ бўлган афсоналарда айтилишича, Шоҳи-Хомуш исмли подшоҳ Ерндан Шўғнонга келган. У билан кўплаб мусулмонлар ҳам Жанубий Тожикистон кириб келган. Тез орада оловга сиғинувчилар (оташпарастлар) ва мусулмонлар ўртасида душманлик кайфияти бошланиб, урушга айланади. Урушларда оташпарастлар ва уларнинг шоҳи Ках-Ках мағлубиятга учрайди[14]. Н.А.Кисляков ушбу эътиқодларга катта эътибор қаратди, чунки у бу маълумотларни минтақа тарихи учун жуда муҳим деб ҳисоблаган. Ушбу афсоналар тоғларда аҳолининг жойлашуви ва кўчириш ҳақидаги асрлар давомида содир бўлган саволлар билан бевосита боғлиқдир. Н.А.Кисляков афсона ва ривоятларни мавжуд илмий материаллар билан таққослаб, тоғларга, асосан ғарбий, жануби-ғарбий ва шимоли-ғарбий қисмида жойлашган текисликлардан кўчишлар содир бўлган деган хулосага келган.

А.А.Бобринский тожикларни тоғларга кўчириш ва жойлаштирилиш масалаларига катта эътибор берган. Н.А.Кисляковнинг сўзларига кўра, А.А.Бобринский Тожикистон тоғларига ва айниқса, Бадахшон йўналишига кўчиб келганлар сонини сарҳисоб қилиш билан боғлиқ жуда катта ишларни амалга оширган. Н.А.Кисляковнинг материалларига кўра, Тожикистон тоғлари, хусусан, Қоратегин, Дарвоз ва Помир минтақалари тоғларида массив ва якка кўчишлар кузатилган.

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, тоғли тожик аҳолиси этник таркиби ва этнографияси ҳали тўлиқ ўрганилмаган кўрик ердир.

REFERENCES

1. Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана, Л.:Наука. 1969.
2. Толстов С.П. Древний Хорезм. М., 1948.С.132.
3. Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. — Л., 1959., С.239-240.
4. Ошанин В.Ф. Дарваз и Каратегин. Известия РГО. 1881. ХУ11.в.1. // Кисляков Н.А.Очерки по истории Каратегина. К истории Таджикистана. 2-е изд.исправ. и дополн. Сталинабад.Таджикгосиздат.1954.С-59.
5. Кисляков Н.А. Очерки по истории Каратегина. К истории Таджикистана, Сталинабад Ленинград, Таджикгосиздат,1954,С.127.
6. Арандаренко Г.А. Каратегин, Военный сборник,1878,№5.

7. Снесарев А.Е. Восточная Бухара., СПб, 1906.
8. Ошанин В.Ф. Дарваз и Каратегин. Известия РГО, 1881, XVIII, в. 1.
9. Васильев капитан. Краткое статистическое описание Каратегина. Сборник геогр. статист. топографических материалов по Азии, 1888, XXXIII.
10. Кисляков Н.А. Очерки по истории Каратегина. К истории Таджикистана, 2-изд, дополн. Сталинабад, Таджикгосиздат, 1954 г. С.-73.
11. Мейендорф. Труды института истории АН Тадж.ССР, XIX, С.-76.
12. Бобринский А.А. Горцы верховьев Пянджа, (ваханцы-ишкашимцы). - М., 1908. С.-22.
13. Кисляков Н.А. Очерки по истории Каратегина. Сталинабад, 1941 г. С.-75.
14. Минаев И.П. Сведения о верховьях Аму-Дарьи. СПб, 1879 г.
15. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.
16. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.
17. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.

АТАБЕГ СУЛТОНОВ

Земля как вид залога для обеспечения кредита и вопросы формирования механизма ее реализации (pp. 982-989)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-180.%20982-989.pdf>

ХАСАН АЛИШЕРОВИЧ КУРБАНОВ, МУСТАФО ШАЙМАРДОНОВИЧ ЭШНАЗАРОВ

Инновационный методы мониторинга состояния бортов гидротехнических сооружениях примере Пскемской ГЭС (pp. 990-997)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-181.%20990-997.pdf>

BOBIR VAHTIYOROVICH BOLTAYEV

Vuxorolik miniaturachi-rassom Sadriddin Pochchayev ijodiga bir nazar (pp. 998-1004)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-182.%20998-1004.pdf>

Б. Б. УМАРОВ

Н.А.Кисляков тадқиқотларида Жанубий Тожикистон этник тарихи (pp. 1005-1009)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-183.%201005-1009.pdf>

ГУЛИ БАХРИТДИНОВНА ТЎРАЕВА, ФЕРУЗА ХОЛМАМАТОВНА ЎТАЕВА, НИЛУФАР АХМАТОВНА ЖУМАЕВА

О.А.Сухарева тадқиқотларида Бухоро тарихи ва этнографиясининг ўрганилиши (pp. 1010-1018)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-184.%201010-1018.pdf>

НИКМАТИЛЛА SHERZODJON O'G'LI NE'MATONOV

MATLAB dasturida elektr energiya tizimidagi katta turtkilar natijasidagi dinamik turg'unliginig matematik va fizik modellarining tahlili (pp. 1019-1023)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-185.%201019-1023.pdf>

ABDUVOXID ABDUG'AFFOR O'G'LI ABDULLAYEV

Elektr energetikasi mutaxassislik fanlarini o'qitishda Microsoft Excel dasturiy vositasidan foydalanish (pp. 1024-1028)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-186.%201024-1028.pdf>

M. P. YUNUSOV, D. D. SHUKRULLAYEV

Qatlamlarni gidravlik yorish texnologiyasidagi muommolar va ularni texnik yechimlari (pp. 1029-1035)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-187.%201029-1035.pdf>

MUHAMMADZOXID XABIBULLO O'G'LI ABDUQODIROV, SHOXIDA RAXMATULLAYEVNA MANKAMOVA

Ikrom Akbarovning "Momo yer" musiqali dramasida xorning dramaturgik vazifalari haqida (pp. 1036-1038)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-188.%201036-1038.pdf>

БОБУРБЕК УЛУҒБЕК ЎҒЛИ МУМИНОВ

Юқори тезликдаги контакт тармоғи линиясида электродинамик жараёнлар (pp. 1039-1045)

<http://scientificprogress.uz/storage/app/media/6-189.%201039-1045.pdf>